

# Мундарижа

<b>Таҳли</b>	
Муҳиддин КАЛОНОВ. Корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлилни такомиллаштириш	3
<b>Рақамли иқтисодиёт</b>	
Баҳриддин МАҲМУДОВ. Рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсири	7
<b>Эконометрик моделлаштириш</b>	
Носир МАҲМУДОВ, Азамат ҚОСИМОВ. Ҳудудий саноатни эконометрик моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	10
<b>Инвестиция</b>	
Азизхон ТИЛЛЯХОДЖАЕВ. Тўқимачилик саноатида инвестиция лойиҳаларини бошқариш самарадорлигини ошириш	13
<b>Тажриба ва самара</b>	
Абдувосит НАЗИРОВ. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда венчур маблағидан фойдаланиш	19
<b>Аудит</b>	
Сузув ҲАМИДОВА, Абдирахим ТўРАЕВ, Шерзод РАҲМОНОВ. Пул маблағлари аудитини хақдор аудит стандартлари асосида такомиллаштириш	22
<b>Жараён</b>	
Баҳодир ОМОНОВ, Мохира УСМАНОВА. Йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишда замонавий интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш	27
<b>Ислоҳот</b>	
Меҳриддин ХОЖИЕВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини такомиллаштириш	30
<b>Иқтисодиёт</b>	
Ирода БАКИЕВА, Шавкат ФАЙЗИЕВ. Фаол инвестиция сиёсати – иқтисодиёт барқарорлиги омил	35
<b>Долзарб мавзу</b>	
Нодирбек СОТВОЛДИЕВ. Озиқ-овқат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари	38
<b>Аграр соҳа</b>	
Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ. Ўзбекистон аграр секторидagi муаммоларни бартараф этишни асосий йўллари	41
<b>Ижтимоий таъминот</b>	
Шерзод РАЖАБОВ. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришнинг иқтисодий аҳамияти	44
<b>Соғлиқ ва хавфсизлик</b>	
Азиз ЗИКРИЕВ. Қурлиш саноатида инсон соғлиги ва хавфсизлигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар	47
<b>Стратегик бошқарув тизими</b>	
Умиджон КОСТАЕВ. Стратегик бошқарув ҳисобида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими	50
<b>Тараққиёт</b>	
Ақтам ХОЛОВ. Ёш раҳбар кадрларнинг мансаб поғоналарида ўсиш истиқболлари	56
<b>Кластер механизми</b>	
Муборак АШУРОВА. Йўлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишни зарурляти	59
<b>Туризм</b>	
Абдулла МИРЗАЕВ. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	62
<b>Тадбиркорлик</b>	
Азиз ҚОДИРОВ, Диффуза ўРОҚОВА. Кичик бизнесда инновацион фаолият ва уни ривожлантириш масалалари	66
<b>Маркетинг</b>	
Нозимжон ТУРСУНОВ, Тоҳиржон МАХМУДОВ. Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегияларининг ўрни	69
<b>Модернизация</b>	
Дилбар ХОДЖАЕВА. Иқтисодиётни модернизациялаш – барқарор иқтисодий ўсиш омил	73
<b>Эркин иқтисодий зоналар</b>	
Зебинисо НАВРЎЗЗОДА. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва ривожланиш хусусиятлари	76
<b>Хизматлар соҳаси</b>	
Зилола ЖўРАЕВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурляти	79
<b>Ногоҳ</b>	
Баҳодир МАРДОНОВ, Муҳаммаданин ЭРОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	82
<b>Қимматли қоғозлар бозори</b>	
Акрамжон КАРИМОВ. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг оммавий тақлифи ва унинг иқтисодий аҳамияти	86
<b>Хориж тажрибаси</b>	
Спирожиддин МАХАТОВ. Корея Республикасида инновацион тизим шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва асослари	90
<b>Транспорт</b>	
Муҳаммадхўжа САИТКАМОЛОВ. Темир йўл транспорти ривожланишида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари	94

<b>Туризм ёрдамчи ҳисоби</b>	
Ақбар ЖУМАЕВ. Туризм ёрдамчи ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари	97
<b>Сегментар ҳисобот</b>	
Рисолат ҲАСАНОВА. Сегментар ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатлари ва уни кластерларда қўлаш усуллари	100
<b>Молия</b>	
Бобур БОРОНОВ. Молиявий активлар ҳисоби принциплари таснифини такомиллаштириш	103
<b>Меҳнат бозори</b>	
Абдурахмон АСРАҚУЛОВ. Норасмий бандликка концептуал ёндашувлар ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозоридagi даражаси	106
<b>Пенсия тизими</b>	
Фаҳриддин ЗАЙНИДДИНОВ. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари	111
<b>Банк фаолияти</b>	
Обид ҲАМРАЕВ. Банкаларга молиявий ресурсларни жалб этишни такомиллаштириш	114
<b>Ҳууа</b>	
Нусратилло НОРҚОБИЛОВ. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни	118
<b>Уй-жой коммунал хўжалиги</b>	
Нодирахон ЖўРАЕВА. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг шаклланиши ва бошқариш хусусиятлари	122
<b>Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш</b>	
Гузэл АДИЛОВА. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рақамли иқтисодиёт тизимини шакллантиришнинг илмий методологик асослари	126
<b>Маркетинг</b>	
Сирожали АЛЛОБЕРГАНОВ. Интерактив ва рақамли маркетингнинг корхоналар маркетинг фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни	130
<b>Фаровон турмуш гарови</b>	
Саидуабдуллахон САИДУМАРАДИХОНОВ. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда аҳоли даромадларининг ўрни	134
<b>Интеграция</b>	
Бунёд РАДЖАБОВ. Мамлакатнинг глобал инновацион иқтисодиётга интеграциялашувини баҳолаш	137

## Содержание

<b>Цифровая экономика</b>	
Бахтиёр МАХКАМОВ. Эффективное лицензирование радиочастотного спектра как фактор привлечения дополнительных инвестиций в сферу мобильных услуг	141
<b>Стратегическое управление</b>	
Зудфия САГДИЛЛАЕВА. Вопросы устойчивого развития организации на современном этапе	144
<b>Инновационная экономика</b>	
Зумрад ГАИБНАЗАРОВА. Взаимосвязь человеческого капитала с интеллектуальным капиталом	148
<b>Цифровая экономика</b>	
Зухра ОТАКУЗИЕВА, Шухрат БОБОХУЖАЕВ. Роль и место биржевых электронных торговых систем Узбекистана в цифровой экономике	151
<b>Финансы и рынок</b>	
Равшан КАЮМОВ, Ферузбек МАДАМИНОВ. Комплексный подход к раскрытию сущности финансового рынка	156
<b>Финансовый мониторинг</b>	
Шамсиддин АЛЛАЯРОВ. Значение финансового мониторинга в системе экономической безопасности	160
<b>Рыночные исследования</b>	
Шахло МАХКАМОВА, Зумрад ИАХАМОВА. Потребительское поведение современной молодежи	164
<b>Корпоративное управление</b>	
Обид АСАДОВ. Повышение эффективности системы корпоративного управления акционерной компании «Узбектелеком»	167
<b>Управление предприятием</b>	
Султан БАЛТАШЕВ. Управление кредитоспособностью предприятия	171
<b>Международная практика</b>	
Шерзод КУДБИЕВ. Основные изменения в деятельности МОН в условиях инновационного развития	175
<b>Государственное регулирование</b>	
Умид ЮАДАШЕВА. Зарубежный опыт государственного регулирования предприятий малого бизнеса	181
<b>Банковская деятельность</b>	
Феруза УРУНОВА. Формы участия коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов	185
<b>Инвестиции</b>	
Наргизабону АБИРОВА, Рушана АМИНОВА. Инвестиционная поддержка малого бизнеса: проблемы и перспективы	188

## ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

## ТАХРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

### Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

## ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

### Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

### Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

### Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

### Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

### Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

### Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

### Адхам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

### Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

УЎТ: 332.122

## Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва ривожланиш хусусиятлари Свободные экономические зоны: сущность, цели и характеристики развития Free economic zones: the essence, goals and characteristics of development

Зебинисо НАВРЎЗЗОДА,  
Бухоро Давлат университетининг  
Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси.

### Аннотация

Мақолада эркин иқтисодий зона (ЭИХ)ларнинг мазмун-моҳияти ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти ёритилган. Уларнинг ташкил этилишидан мақсадлар ва ривожланиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, ҳозир Ўзбекистонда мавжуд ЭИЗлар фаолияти таҳлил қилинган.

В статье раскрыта сущность свободных экономических зон и их роль в обеспечении экономического развития. Показаны цели и особенности создания свободных экономических зон. На сегодняшний день проводится анализ СЭЗ в Республике Узбекистан и их деятельности.

The article reveals the essence of free economic zones and their role in ensuring economic development. The goals and features of creating free economic zones are shown. Today, an analysis of the FEZ in the Republic of Uzbekistan and their activities is being carried out.

Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш, мамлакатда ташқи савдони рағбатлантириш, жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳозирги глобаллашув даврида долзарб вазифаларга айланди.

Жаҳон иқтисодиётида рақобат борган сари кучаяётган шароитда бутун дунёда махсус иқтисодий зоналар механизмини жорий қилиш ташқи савдони рағбатлантириш, саноат ишлаб чиқаришига инвестиция ва сармояларни жалб этиш, инновацион салоҳиятни ривожлантириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги энг самарали воситалардандир.

Шубҳасиз, бизнинг мамлакатимизда ҳам ху-

дудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри чет эл сармояларини жалб қилишнинг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**да ҳам миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш; фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, ян-

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий ҳудуд, инвестиция, инвестицион жозибадорлик, саноат, имтиёз, преференция, экспорт, инновация.

гиларини ташкил этиш; ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш; инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш [1] ва бошқа долзарб вазифалар белгиланган.

Сўнгги пайтларда иқтисодиёт тобора интеграциялашаётган ва глобаллашув жадаллашаётган муҳитда фаолият юритаётган ЭИЗлар кўпаймоқда. Ҳозир дунё миқёсида 2000 дан ортиқ эркин иқтисодий зона бор. Уларнинг таркибида эркин савдо ҳудудлари, илмий-ишлаб чиқариш ҳудудлари, ишлаб чиқариш экспорт ҳудудлари, оффшор марказлар, рекреация ҳудудлари ва туристик ҳудудлар мавжуд.

ЭИЗларнинг пайдо бўлиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади, мазмун-моҳияти эса илмий адабиётларда турлича талқин қилинган. Бизнинг замонамизда уларнинг туб аҳамиятини, мақсад-вазифалари ва ривожланиш хусусиятларини чуқур ўрганиш объектив заруриятга айланди. 1-жадвалда ЭИЗ тушунчасига чет эллик ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифлар келтирилган.

корлар фаолияти рағбатлантирилади.

Илмий адабиётларда давлатнинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири мамлакатга жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш эканлиги қайд этилган. Т.Данько ва З.Окрут ЭИЗга “Қулай инвестиция муҳитини яратувчи ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотик ва илмий фаолиятни рағбатлантирувчи механизм”, [4] деган таъриф беришган.

ЭИЗларни ташкил этишдан мақсадлар таҳлил қилинса, уларнинг мазмун-моҳияти ва иқтисодиётдаги аҳамияти яққол намоён бўлади. Унинг иқтисодий мақсади, энг аввало, мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлашдир. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишини таъминловчи мезонлардан бири саналади.

ЭИХларни ташкил этишнинг ижтимоий мақсадлари аҳоли бандлигини таъминлашга, турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Ҳудудда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда замонавий усуллардан фойдаланиш ҳам назарда тутилади. ЭИЗ жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий

*1-жадвал.*

### ЭИХ тушунчасига нисбатан илмий қарашлар.

В.Д.Андрианов	ЭИЗ – мамлакат ҳудудининг хўжалик масалаларини ҳал қилишда нисбатан мустақил бўлган қисми
Н.В.Игошин	ЭИЗ – миллий-иқтисодий тизимнинг шундай қисмики, у ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган махсус имтиёз ва рағбатлантиришлардан фойдаланилади, уларнинг моҳияти эса, имтиёзли божхона ва солиқ тизимларида кўзга ташланади
И.П.Фаминский	ЭИЗ – у шундай ҳудудки, унинг чегараларида, мамлакатда умумқабул қилинган хўжалик фаолияти тизимига нисбатан имтиёзли режим амал қилади.
А.В.Вахабов, Х.Ш.Хажикабиев, Н.Г.Муминов	ЭИЗ – маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд
Мирзалиева С.С.	ЭИЗ – мамлакат ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий, технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган қисми
М.А.Раимжанова	ЭИЗ – мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айни вақтда унинг назоратидан буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган қисми

**Манба:** илмий адабиётлардаги маълумотлар муаллиф томонидан умумлаштирилди.

Жадвалда келтирилган таърифлардан шундай хулоса қилиш мумкин: ЭИЗ мамлакатнинг шундай бир қисмики, у ерда махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қилади ҳамда маҳаллий ва хорижий тадбир-

ривожланиши тезлашади.

ЭИХларни ташкил этишнинг илмий-техник мақсадлари ЭИЗларга замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ва юқори малакага эга профес-

сионал кадрларни жалб этиш ҳамда инновацион жараёнларни ташкиллаштириб, ривожланишини жадаллаштиришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 26 октябрда имзолаган “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга кўра, юртимиздаги ЭИЗлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатимизда 2008 йили 1 та, 2012-2013 йилларда 2 та, сўнгги икки йил мобайнида 18 та эркин иқтисодий зона ташкил этилди. Шундай қилиб, айни кезларда республикамизнинг 12 та ҳудудида 21 та ЭИЗ фаолият юритмоқда.

Дарвоқе, Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги 4059-сонли Фармонида асосан, Кармана тумани ҳудудида Ўзбекистондаги даст-

лабки ЭИЗ, аниқроғи, “Навобий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) барпо этилган эди. Кейинчалик “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон”, “Ҳазорасп” ва бошқа ЭИЗлар ташкил топди. Ҳозир барчаси муваффақиятли иш юритмоқда. Масалан, юқорида номлари тилга олинган эркин иқтисодий зоналарда қисқа фурсатда жами қиймати 486 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилиб, 4600 тадан зиёд иш ўрни яратилди.

Сирасини айтганда, иқтисодий инновацион жиҳатдан ривожлантириш ҳамда замонавий жаҳон хўжалиги тараққий этиши шароитида эркин иқтисодий зоналарнинг кўпайиши мамлакатга жалб этилажак инвестициялар ҳажми ортишига, юртнинг экспорт салоҳияти юксалишига, шунингдек, инновацион жараёнлар янада такомиллашишига хизмат қилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.
2. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. – М.: Юнити, 2005 год.
3. Тиницкая О.В., Макарова Г.В. Свободные экономические зоны. Санкт-Петербург. 2014 год, 12-стр.
4. Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М: ИНФРА, 1998 год, 31-стр.
5. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2012 йил. 184-бет.
6. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Молия”, 2010 йил, 324-бет.
7. Каримқулов Ж.И. Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш тенденциялари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали, 2019 йил, 3-сон.

УЎТ: 338.46

# Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурияти Необходимость развития сферы услуг в цифровой экономике The need to develop services in the digital economy

Зилола ЖЎРАЕВА,  
Бухоро Давлат университетининг  
Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси.

## Аннотация

Ушбу мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган. Ўзбекистонда мазкур соҳанинг ривожланиши таҳлил қилиниб, уни янада яхшилашнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

В этой статье подчеркивается объективная необходимость развития сферы услуг и важность построения цифровой экономики. Представлен анализ развития сферы услуг в Узбекистане и показаны приоритеты для дальнейшего развития сферы услуг.

This article emphasizes the objective need for the development of the service sector and the importance of building a digital economy. The analysis of the development of the service sector in Uzbekistan is presented and the priorities for the further development of the service sector are shown.

Ривожланган давлатлар тажрибаси мамлакат иқтисодиёти барқарор раванг топишини таъминлаш учун интеллектуал маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда хизматлар соҳасини тараққий эттириш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки иқтисодий ўсишнинг ҳозирги босқичи хизматлар соҳаси иқтисодиёти ва “билимларга асосланган иқтисодиёт”нинг ўзаро бирлашиши сифатида эътироф этилади. Умуман олганда, хизматлар соҳаси иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шуларни назарда тутиб, Олий Мажлисга жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида “Тараққийга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот

технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”, дея таъкидлаб ўтди [1].

Эндиликда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бирига айланган. Бинобарин, ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиши, бозорнинг кундалик товарлар билан тўйиниши, илм-фаннинг жадал ривожланиши замонавий хизматлар кўрсатиш соҳасини замонавийлаштиришни талаб этмоқда. Буларнинг барчасини ахборот, молия, транспорт, савдо, суғурта ва бошқа хизматлар турларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётимизни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишга ҳамда инновацияларни жорий этишга

**Калит сўзлар:** хизматлар соҳаси, рақамли иқтисодиёт, инновация, модернизация, диверсификация, ахборот технологиялари, замонавий ахборот хизматлари, интернет.